

# МИЛЛИОНЛАБ МИЛЛИОНЛАР

Доим "Ёшларимиз китоб ўқимай қўйди", деган норози оҳангдаги фикрларни эшитсам, у билан бирга "Шу сўзлар ҳақиқатдодимга келди", деган гапларни ҳам эшитгандай бўламан. Китоб ўқиш учун ўқувчиларга қанчалик шароит яратилган экан деб, кўпроқ янги таъмирдан чиққан мактабларнинг кутубхонаси билан қизиқдим. Менга берилган маълумотларга кўра, баъдий китоби энг кўп бўлган кутубхона таълим рус тилида олиб бориладиган Тўрақўрғон туманидаги 3-мактаб эди — 720 та. Бу ҳам кам.

2-бет

# МУҚАДДАС ЗАМИНДА МУҚАРРАР ИНҚИРОЗ

Бироқ ҳозирча БМТ ҳам, катта саккизлик давлатлари ҳам Фаластиндаги оғир аҳвол ҳалқаро ҳамжамият аралашадиган даражада эмас, деган қарашда. Халқаро ҳамжамият аралашади, лекин Фаластин ҳукумати ва парламентининг жамики аъзолари ҳибсага олиниши, мухторият бошбошдоқликда қолиши, халқнинг ярми эмас, 60-70 фоизи очлик исканжасига тушиши зарурга ўхшайди.

3-бет

# «ЎЗБОК» ДАН БИРОҚ «ИЗ» КОЛМАГАНИМИ?

Татарларнинг атоқли сиймоси Садр Махсудий Эдил-Урал штатлари гоёсини кўтарган бўлса, Мирсадил Султонгайев Бошқирд-татар жумҳуриятини барпо этиш режасини илгари сурди. Бошқа бир туркум татар истиқлолчилари ўлкалари жуғрофий жиҳатдан Россиянинг ўртасида бўлгани сабабли мухторият жумҳурияти учун хориж билан туташши кераклигини англаб турк-татар салтанати тузиш гоёсига берилдилар. Бу Татаристон ва Туркистон бирлашиб, яна бир давлат бўлиши кераклигини англаганди.

4-бет



# HURRIYAT

1996-yil dekabrдан chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 33 (495) 2006-yil 24-avgust

www.hurriyat.uz  
Энди газетада эълон қилинган энг сара танқидий-таҳлилий мақолалар, журналист текширувлари, халқаро шарҳлар, машҳурлар билан суҳбатлар, қисқаси, Сизга маъқул ва манзур бўладиган материалларни газетамизнинг халқаро компьютер тармоғидаги www.hurriyat.uz сайтида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, тадбиркор ва ишбилармонлар учун ўз реклама ва эълонларини «Hurriyat» веб-саҳифасига жойлаш имкони мавжуд.

## Жараён

# ЖУРНАЛИСТЛАР, ҲАМИША ХОЛИСМИСИЗ?

Тасдиғини топмаган танқидларга йўлланган жавоб хатлар газеталарда негадир чоп этилмайди. Тасдиқланганлари эса биринчи бетда ва яна кўзга кўринарли жойда босилади. Нега?

Хизматчилик, вақти-вақти билан матбуотда чиқиш қилишга тўғри келади. Ёзаётган нарсамизнинг баъдий савияси ўз йўлига (ахир, профессионал қаламқаш эмасми), мазмун-моҳияти, айниқса кўтарилаётган мавзу кўпинча журналистларнинг бахс-мунозарасига сабаб бўлади. Бу сафар ҳам шундоқ бўлишини хозирданок сезиб турибмиз.

Сабаби аниқ — ушбу чиқишимиз кейинги олти ой мобайнида марказий нашрларда босилган ва прокуратура органлари томонидан текширилган танқидий мақолалар ҳақидаки, қуйида билдирилмаж мулоҳазаларга айрим мухбирларнинг қўшилмаслиги охтимоли катта. Чунки танқид ёзган барча мухбир ўзини ҳақ деб ҳисоблайди, шундай экан, "мақолангизда баён этилган ҳолатлар тасдиғини топмади" дейиладиган гап қайси муаллифга ёқарди? Бу билан қийаётган барча танқидлар ёлпасига асосси, демократи эмасми. Шундай бўлса-да, тасдиғини топган танқидий мақолалардан кура, топмаганлари кўпроқ, Келинг, аниқ рақамларга мурожаат қилайлик: 2006 йилнинг олти ойи давомида марказий матбуотда 48 та танқидий мақола босилди (эҳтимол, бундан кўпроқдир, биз бевосита ваколатимиз доирасига кирадиган чиқишларни назарда тутишимиз). Ушбу танқидий мақолалар текшириш йўли билан ўрганилганда хозирча саккизта эъз тасдиғини топди, еттита танқиддаги ҳолатлар қисман тасдиқланган бўлса-да, ўз тасдиғини топмаганларининг сони ўн саккизта. Ушбу рақамлар яна ўзгариши мумкин, сабабини, айни кунларда ўн учта танқидий мақола юзасидан тегишли текширув ишлари давом этмоқда.

Барбир айрим журналистларга раҳмат айтишимиз керак: уларнинг қунончилик билан ёзган мақолалари натижасида қатор қунонбузарликлар фож этилди, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка бўлган чоралар қўрилди. Хусусан, "Ўзбекистон овози" газетасида (20.05.06 й.) чоп этилган журналист Акбар Жонузоқовнинг "Кимгадир имтиёз, кимгадир эътироз" мақоласида Фарғона вилояти Олтиариқ тумани "Ўзбекистон" ширкат ҳўжалиги туғатиш комиссиясининг қонуний ҳатти-ҳаракатлари қаламга олинган. Мақола ўрганилганда унда баён этилган ҳолатлар тасдиғини топди: натижада, ҳўжаликнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иш қўзғатилди. "Правда востока" газетасида чиққан (28.03.06 й.) "Деньги выделены, а ремонт нет" ма-



қоласи Сирғали тумани "Самодиди парвоз" уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг қунончи манфаатларини таъминлаш барибарда мансабдорларнинг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этилишига сабаб бўлди. "XXI аср" газетасининг 14 апрель сонидан чоп этилган "Битта энг ичиде иккита қарор" мақоласи ҳам ҳақиқ эътирофга лойиқ, унда баён этилгандек, ҳақиқатда Шўрчи туманидаги "Олтоёр Охур" фермер ҳўжалиги раҳбари Х. Олтоёрнинг қунончи манфаатлари судларда бузилган экан. Мақола ўрганиб чиқилган, Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалиги судига назорат тартибда протест келтирилди. Шунингдек, "Таассуф ёки ҳоқимнинг ўғли ҳаммадан устунми" ("Хуррият", 22.02.06 й.), "Етти йилдан бери қайтмаётган мулк" ("Ўзбекистон овози" 18.02.06 й.), "Танловдаги гирромлик" ("Халқ сўзи" 13.05.06 й.), "Ижросиз қолган суд қарори" ("Адолат" 21.04.06 й.), "Епиғлик қозон ёпиғилгича қолдимиз?" ("XXI аср" 18.05.06 й.), "Сунъий тўсиқ" ("Халқ сўзи" 12.07.06 й.) ва бошқа танқидий мақолалардаги ҳолатлар бўйича ҳам прокуратура таъсир чоралари қўлланди. Чоп этилаётган асарият танқидий мақолаларда асосан фермерлар, суд ақларидан норозилик ёки унинг ижроси билан боғлиқ муаммо, мулклий низога оид масалалар қаламга олинди. Албатта, ким нима ёзмаган, кўтарилаётган мавзуси асосли бўлса бошқа устига. Тасдиқда муҳтож бўлмаган гап борки, журналист ҳолис бўлиши керак. Бахтга қарши айрим танқидий мақолаларда айниқса, жиноят ёки фуқаролик судларида қўрилиб, ҳали қунончи кунга қириб улгурмаган ишлар ҳақида ёзилган танқидларда ўша ҳолислик мезони бузилаётгандай. Масалан, "Туркистон" газетасининг 8 февраль сонидан босилган "Епишмаган гажақлар" мақоласини олайлик. Ушбу мақолада баён этилган жиноят иши сал

аввалроқ "Моҳият" газетасида "Икки оғиз айбловга бир оғиз" сарлавҳали мақолада қаламга олинган эди. Иккала мақола бамисоли эгизакка ўхшайди. Тўғри, битта "иш" хусусида ёзилган мақолаларда воқелик бир бўлади. Бироқ услуб, баён ва журналистик қарашлар (жумлалардаги бир хилликини айтмай қўяқолай) ҳам икки томи сувадий бир-бирига ўхшайди ўқувчини анча ўйлантириб қўяди. Бу қўчирмақашликми ёки бир муаллифнинг иккита тахаллус билан қилган чиқишимиз — билмадик, натижа шуки, мухбирлар ҳўмос қилган банк раҳбарига оид жиноят иши прокуратура томонидан ўрганилиб, суд ҳўқимни ўзгартиришга асос топилмади. "Халқ сўзи"да чоп этилган "Бу хатони тўрилашим ёки..." (31.01.06й.) мақоласи хусусида ҳам шу гап. Мазкур мақолада конкрет жиноят иши, яъни Бухоро вилоят Когон тумани суди томонидан фуқаро З. Холиқовга нисбатан чиқарилган ҳўкм муҳома қилинган. Мақола жиноят ишини текшириш йўли билан ўрганиб чиқилди ва суд ақти қунончи қўрилган, деган ҳўлосага келдик. Шу ва шунга ўхшаш мақолаларни ўрганишлар кўрсатмоқдаки, муаллифлар асосан адвокат томонидан тақдим этилган ҳўжатлар билан чекланиб қолишади, агар "дело" билан танишиб, ундаги барча деталларни қунон тарозисига қўйиб, лозим топса, ҳолис мутаҳассиси билан мулоқотда бўлиб, сўнг мантқиқ таянган ҳолда мулоҳаза юритганида эди, ортиққа ташвишга ўрин қолмаган бўларди. Тасдиғини топмаётган мақолалар сирасига яна бир тоифадаги чиқишларни киритиш мумкин, яъни айрим нашрларда берилмаётган "Таҳририятта хатлар"ни. Бу ҳол бориб турган ноҳолисликнинг ўзгинаси. Буни таҳририят ходимлари "газета — фикр айтиш майдони", дея талқин этадилар. Лекин бундай қараш бизнингча, анча баҳсдалаб. Биринчидан, шикоятчи муайян мавзу ҳақида фикр айтмайди, балки шахсий муаммосини баён қилади. Иккинчидан, шахсий муаммосини билдираётган фуқаро ўз манфаатига эид ҳўлосани, қанчалар ҳолис бўлмасин, қабул қилолмайди. Шундай экан, "Таҳририятта хатлар"ни андек мулоҳаза қилиб, иложи борича тек-

шириб-суриштириб, сўнг чоп этиш мақсадга мувофиқдир. "Шикоятчи номидан" чиқишлар уюштириш — масўлиятдан қочишга ўринидан бошқа нарса эмас. Тасдиғини топмаган танқидлар ҳақида гапирилганда, қуйидаги мақолаларни кўрсатиб ўтишга тўғри келади: "Мулк эгасини топади-ми?" ("Адолат"), "Корхона нега тўхтапти?", "Холислик йўқолганда..." "Ишсиз ишчини ишдан қўяр" ("Халқ сўзи"), "Лицензия шарт эмас...ми?" ("Хуррият"), "Ун йиллик можаро" ("XXI аср"), "Поҳолдан тўғон, қумдан омор бўлмас" ("Миллий тикланиш"), "Тушунтириш хатига асосланган даъво" ("Ўзбекистон овози") ва ҳўказо... Қайтарамиз, номи зикр қилинган мақолалар тасдиқланмаган танқидий чиқишларнинг айримлари, ҳолис. Шу ва бошқа танқидлар хусусида таҳририят ёҳуд муаллифларда эътироз туғилгудек бўлса, бош устига қабул қиламиз. Шу ўринда яна бир гап. Бирорта нашрда босилган ва тасдиғини топган танқидий мақола бўйича юборилган жавоб хатлари зудлик билан газетанинг кўринарли жойида чоп этилади. Аммо тасдиғини топмаган танқидлар юзасидан берилган жавоб-хатлари эса негадир матбуот юзини кўрмайди. Бу масалада муҳтарам Бош муҳаррирлар жиндек ўйлаб кўрса бўларди, ахир "А" айтилди, "Б" ҳам айтилиши керак. Таҳририятларга юборилаётган суд-ҳўққ ислохотлари натижаси ўлароқ, прокуратура органлари фаолиятига жиддий ўзгаришлар юз берди, шулардан биттаси ушбу тизимнинг фуқаролар устида назорат функцияси бекор қилиниб, ўларнинг ҳўққ ва эркинликлари ҳўмосига масўул этиб қунон қайд қилинганлигидир. Эндилдиқда прокуратура фаолиятига қанча одамни жиноий жавобгарликка тортигани қараб эмас, қунончилик нечоғли таъминланаётганига, давлат ва жамият манфаатлари, фуқароларнинг ҳўққ ва эркинликлари қанчалик муҳофаза этилаётганига қараб баҳо берилиши қунон билан мустаҳкамлаб қўйилган. Демак, матбуотда қийаётган танқидлардан биринчи навбатда прокуратура органлари том маънода манфаатдордир. Зеро, ҳолис танқид жамиятда қунончиликни таъминлашда бекўёс аҳамиятга эга.

Светлана ОРТИКОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари, адлия катта маслаҳатчиси

## Мусобақа

Бўстонлик туманининг Чорбоғ ҳудудида жойлашган "Ёзувчи" далабоғида ижодкорлар ўртасида навбатдаги бешинчи аънавий шахмат турнири ўтказилди.

## ИЖОДКОРЛАР ШАХМАТ ҲИНАДИ

Турнир Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафидинов ҳотирасига бағишланган бўлишига қарамай, унда қирқка яқин ёзувчи ва шoirлар қатнашдилар. Мусобақа давомида ижодкорлар ўзаро қизиқарли суҳбат уюштириб, айтишувлар ўтказишди. Устоз ва барча ўтган ижод аҳли хотирасига Қуръон тиловат қилинган, дастурхонга ош тортилди. Ҳамма томони дарахт билан ўралган ушбу далабоғ бундан кейин Озод Шарафидинов номи билан аталиши эълантирилди. Анжуманга Хиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Сканд Таял соҳиб оиласи билан таширф бурди.

Кечгача давом этган мусобақада шахматчилар шундай ўйин кўрсатишдики, хатто ҳакамлар ҳам, "бўлди ётар энди" дея зўрға тўхтатдилар. Мусобақа якунида голибларни тўплаган балларига қараб аниқлашар экан, ҳакамлар атрофида йиғилган ижодкорлар олий соврин кимга тақдим этилишини интиқлик билан кутишарди. Шундай қилиб, биринчи ўрин Асрор Мўминов, иккинчи ўрин Иброҳим Фафуровга ва учинчи ўрин Нўмон Раҳимжонга насиб этди. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Бироқ тақдирлаш билан чекланмай, қолган барча иштирокчилар ҳам мукофотландилар. Устоз Озод Шарафидинов мусобақани мана шундай қизиқарли ўтишини истаб шундай деган эди: "Бўстонликдаги турнир аънава тусини олди. Энди бу шахмат баҳона барча ижод аҳлининг дийдорлашуви анжуманига айланиб қолиши керак". Дарҳақиқат, устоз қолдириган тилқлар амалга ошмоқда.

Сарвар ХУРРАМОВ

## Яқун

# СОВРИНДОРЛАР

Мустақиллик куни, яъни 1-сентябрь том маънода бизнинг бош байрамимизга айланди. Унга "Энг улуг, энг азиз" деб таъриф берилиши ҳам беҳиз эмас. Энг қизиги, ҳар йили журналист-ижодкорлар учун ўтказиладиган кўрик-танлов ҳам "Энг улуг, энг азиз" деб аталади. Бу танлов аънавийлик мақомини олишга улғурди. Уни барча ижодкорлар қутадиган, ортиққа даъват-қачириксиз ижодий ишларини тақдим этадиган бўлишиди. Қолаверса, унинг тақдимот маросими ҳам ўзига хос ўтади. Унда бошқа танловлардан фарқли ўлароқ, асосан, пойтахтликлар эмас, ақсинча, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ҳам иштирок этиш аънава тусини олди...

Кўни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган танлов тақдимот маросими ҳам аввалгиларидан кам бўлмади. Кўрик-танлов ҳайъати раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Абдулла Орипов маълумотларига қараганда, кўрик-танловга 2251 та ижодий иш келиб тушган. Унинг ичиде баъдий асарлар, кино асарлар, фото асарлар, журналистик ишлари, тасвирий санъат асарлари бор. Кўрик танлов голибларига мукофотларни ҳомий ташкилотлар — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, Республика "Тасвирий ойини" ижодий уюшмаси раиси Ифандиёр Латипов, "Ўзбекистон" Миллий агентлиги раиси Аъзам Исҳоқов ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси биринчи ўринбосари Голибшер Зияев топширдилар. Маълумотларга қараганда, кўрик-танловга келиб тушган барча ижодий ишлар атрофида ва бирма-бир кўриб чиқилган, ўларга ҳолис баҳо берилган. Ва уларнинг муносиблари танланган. Фурсаддан фойдаланиб, таҳририят номидан кўрик-танловнинг барча совриндорларини чин дилдан муборакбод этамиз.



Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат

Жамила ЭРДОНОВА

# "ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ" РЕСПУБЛИКА КЎРИК ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ

<b>Гулнора АБДУРАҲИМОВА</b> Анастасия КОРАЗИНА (режиссёрлар)	— "Ўзбекистон — ватаним маним" ҳужжатли фильми учун	<b>Аҳат ТЎХТАОХУНОВ</b> Муҳаббат ШЕРБЎТАЕВА (дизайнерлар)	— Истиқлолни мадҳ этувчи панно ва плакатлари учун	(Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири)	— видеофильми учун
<b>Баҳодир АХМЕДОВ</b> ("Ўзбекфильм" студияси режиссёри)	— Тошкентнинг бугунги қиёфасини беэза турган замонавий иншоотлар ҳақидаги "Бунёдкорлик", "Табаррук даргоҳ" телефильмлари учун	<b>Турсункул ШАЙМАРДОНОВ</b> (рассом)	— "Сумалак" ва "Бешик тўйи" картиналари учун	<b>Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА</b> ("Вечерний Ташкент" газетаси муҳбири)	— Долзарб мавзуларда ёзган таҳлилий мақолалари учун
<b>Эсирган БОЛИЕВ</b> ("Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири)	— Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, миллий ҳавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни кенг оммага етказишга ҳамда иқтисодий-сиёсий мавзуларга оид туркум мақолалари учун	<b>Раъно ШОДИЕВА</b> (киноактриса)	— "Ватан" фильмида яратган ўзбек аёли образи учун	<b>Туроб МАКСУДОВ</b> (ёзувчи)	— "Муаллим ишқи" ҳужжатли қиссаси учун
<b>Камол МАТЎКЎБОВ</b> (таржимон)	— Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди" асари таржимаси учун	<b>Вазира ҚАЛАНДАРОВА</b> (фотосуратчи)	— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"га бағишланган "Беғубор болагим" туркум фотолари учун	<b>Абдурахмон НАСРИДДИНОВ</b> (Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг бош муҳаррири)	— "Озод элим — обод юртим" туркум кўрсатувлари учун
<b>Феруза МУҲАММАДЖАНОВА</b> ("Тошкент" телерадиоканалининг катта муҳаррири)	— "Мустақиллик майдони", "Наврўзинг қайтиши", "Талабалар шаҳарчаси" видеофильмлари учун	<b>Жўра АСРОНОВ</b> (рассом)	— Замондошлар ҳақидаги асарлари учун	<b>Алиёр РАҲАБОВ</b> (Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг бош муҳаррири)	— "Юртим жамоли" видеофильми учун
<b>Берди РАҲМАТ</b> ("Ўзбекистон" телерадиоканалининг катта муҳаррири)	— "Умр дафтари" туркум радиозастиришлари учун	<b>Фарҳод АҲМАДЖОНОВ</b> (рассом)	— Миниатюра жанридаги асарлари учун	<b>Шуқирбай СИПАТДИНОВ</b> ("Қарақалпақстан жаслари" газетаси бўлим мудири)	— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурининг бажарилишига бағишланган материаллари учун
<b>Номоз САЪДУЛЛАЕВ</b> ("Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири)	— Иқтисодий-сиёсий ислохотлар, тадбиркорлик, фермерлик, касаначилик ҳақидаги публицистик материаллари учун	<b>Санобар БОЙМУРОДОВА</b> (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири)	— "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз" видеофильми учун	<b>Абдужалил ХАЛИЛОВ</b> ("Бухоронома" газетаси бош муҳаррири ўринбосари)	— Маънавий-маърифий мавзуларда ёзган туркум мақолалари учун
		<b>Дмитрий ВЛАСОВ</b> (рассом-мультипликатор)	— "Бор барака" ва "Кулол" мультфильмлари учун	<b>Мунира ҒАНИЕВА</b> ("Спорт" телерадиоканалининг катта муҳаррири)	— Маънавий-маърифий мавзулардаги туркум репортажлари учун
		<b>Дилмурод ДЎСТМУРОДОВ</b>	— "Мустақиллик шарофати"		





